*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил **11 февраль** ЧОРШАНБА

**№ 11** (12751)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунига 46 кун қолди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш ва мазкур рўйхат билан фуқароларни таништиришдек ўта муҳим жараён ҳақида 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси аъзоси Ғофуржон Тожибоев билан суҳбатлашдик.**

## САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

**– Ғофуржон Хожибоевич, сайловчилар рўйхатига кимлар киритилади?**

– Сайловчилар рўйхати – участка сайлов комиссияси томонидан тузиладиган расмий ҳужжат бўлиб, ушбу рўйхатга актив сайлов ҳуқуқига, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сиёсий партия томонидан кўрсатилган номзодни сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар киритилади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашмайдилар. Яъни, улар сайловчилар рўйхатига киритилмайди. Бошқа ҳеч қандай шарт ёки талаб рўйхатга киритиш учун тўсқинлик қила олмайди. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

**– Рўйхат тузиш жараёнига кимлар жалб этилади?**

– Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ҳамда участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни тақдим этадилар.

*(Давоми 2-бетда).*

## ТАРКИБЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда участка сайлов комиссиялари таркибини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.**

Маълумки, участка сайлов комиссияси – туман ва шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузиладиган сайлов участкасида сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга масъул бўлган, давлат ҳокимияти ваколатига эга махсус коллегиал орган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиясини тузиш тартиби "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида белгилаб берилган.

Участка сайлов комиссиясини сайловга камида қирқ кун қолганда округ сайлов комиссияси ташкил этади. Комиссия қанчалик эрта тузилса, сайловга тайёргарлик шунчалик пухта олиб борилади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Қонуннинг 18[1]-моддасида алоҳида таъкидланганидек, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

Қонунчиликнинг шу талабларига биноан вилоятдаги жами 18 та Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари ўз мажлисларида участка сайлов комиссиялари аъзолигига фуқаролар йиғинлари таклиф этган номзодларни муҳокама қилиб, тавсияномаларини тасдиқ учун округ сайлов комиссиясига жўнатди.

Тошкент вилоятида сайлов куни 1 миллион 906 мингга яқин сайловчи овоз бериши кутилаётгани сабабли 872 та сайлов участкаси ташкил этилган эди. Округ сайлов комиссияси йиғилишда шаҳар ва туман кенгашлари тавсия этган номзодларни батафсил кўриб чиқиб, шу участкаларда фаолият юритувчи участка сайлов комиссиялари таркибини ўз қарори билан тасдиқлади.

– Биз тасдиқлаган участка сайлов комиссиялари таркибида жами 7848 киши бор, – дейди округ сайлов комиссияси аъзоси Марҳабо Баҳромова. – Уларнинг 3217 нафари аёллар. Ёши жиҳатидан қарайдиган бўлсак, аъзоларнинг 1910 нафари ўттизгача, 3038 нафари ўттиздан қирққача, 2399 нафари қирқдан элликкача ва 501 нафари олтмишгача ёшда. Уларнинг 4280 нафари олий, 2407 нафари ўрта махсус ва 1161 нафари ўрта маълумотга эга.

Округ сайлов комиссиясининг мазкур қарори, албатта, матбуотда эълон қилинади. Сайловчилар участка сайлов комиссияларининг таркиби билан тегишли тарзда шаҳар ва туман газеталари орқали танишишлари мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи*
*10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорининг 16-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Ангрен, Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари ва Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка, Оҳангарон, Оққўрғон, Зангиота, Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Паркент, Пискент, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Янгийўл туманлари Кенгашларининг 2015 йил 2-6 февраль кунлари ўтказилган сессия қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округида сайлов ўтказувчи 872 та участка сайлов комиссияларининг таркиби иловага мувофиқ тартибда тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор маҳаллий матбуотда эълон қилинсин.

**10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси** **Н. АБДУЛЛАЕВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 7 февраль.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

## ЙЎЛИНГИЗНИ БЕРСИН, ЎҒЛОНЛАР!



**Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига асосан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув пунктида тиббий кўрик, тест ва жисмоний топшириқлардан юқори балл тўплаган йигитларнинг дастлабки гуруҳини муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва қатор жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда фахрийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда миллий армиямизнинг кечаги куни ва бугуни, аскарнинг муқаддас бурчи, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларга берилаётган имтиёзлар, шунингдек, юртимиздаги тинчлик ва дунёнинг турли минтақаларидаги талатўплар тўғрисидаги мулоҳазалар тингланди. Шундан сўнг, йиғилганлар ҳарбий хизматга отланган йигитларга халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифани адо этишларида омад тилашди.

– Ёшлигимдан аскар бўлишни орзу қиламан, – дейди бўкалик чақирилувчи Исломбек Каримов. – Лекин орзу билан иш битмайди. Чунки, бугун Қуролли Кучларимиз сафига ҳам ақлан, ҳам жисмонан кучли йигитлар сараланмоқда. Уларнинг сафидан жой олишда, спорт билан мунтазам шуғулланганим қўл келди.

Тадбир сўнгида, бўлажак аскарларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари тарқатилди. Дилтортар қўшиқ ва бадиий жамоаларнинг чиқишлари байрам маросимига янада кўтаринки руҳ бағишлади.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

## «МАЪРИФАТ»НИНГ АҲОЛИСИ АҲИЛ

**Юқори Чирчиқ туманидаги "Маърифат" маҳалласида 2100 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Сўнгги йилларда бу ерда ёшлар тарбияси, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

– Маҳалланинг обод ва кўркам бўлиши аҳолининг ҳамжиҳатлиги, ўзаро меҳр-оқибатига бевосита боғлиқ. Аҳиллик бор жойда осойишталик, ободлик, хотиржамлик бўлади, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфия Исломова. – Маҳалламизда одамлар билан бамаслаҳат иш олиб бораётганимиз ҳар қандай масалага оқилона ечим топиш имконини бермоқда.

Ҳудуддаги 510 оилада кимлар истиқомат қилиши, уларнинг ижтимоий аҳволи, хусусан, ёшларнинг иш билан таъминланганлиги, хотин-қизларга эътибор, амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари диққат-эътиборда. Бу ишлар Кексаларни эъзозлаш йилида янгича мазмун билан бойитилмоқда.

Масалан, ҳафтанинг душанба куни умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежида ёшлар тарбиясига бағишланган учрашувлар ташкил этилса, чоршанбада аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари билан шуғулланилади. Ҳафтанинг ҳар жумаси хотин-қизлар, шанба эса саломатлик куни. Шу куни маҳалладаги марказий поликлиника шифокорлари аҳоли, биринчи навбатда оналар ва болалар саломатлигини кўрикдан ўтказишади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий ишбилармонликни ривожлантириш ҳам эътибордан четда қолмаган. Ўтган йили касб-ҳунар коллежларини битирган барча ёшлар тўлиқ иш билан таъминланди. 54 нафар кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, муаммоларини ҳал этиш режалари ишлаб чиқилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



**СУРАТДА:** (чапдан ўнгга) диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Раҳима Мирзахўжаева, 99 ёшли онахон Анна Винокурова ҳамда маҳалла раиси Зулфия Исломова суҳбат чоғида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Маънавият

## ИНСОН РУҲИЯТИ МУСАВВИРИ

**Ўзбек халқининг жаҳон тамаддуни хазинасига муносиб ҳисса қўшган беназир салоҳиятли фарзандлари кўп. Улар мероси шу қадар улканки, нафақат миллатдошларимиз, балки аҳли олам у билан фахрланса, баҳраманд бўлса арзийди. Бизни маънавий камолотга етаклайдиган инжа санъат намуналаридан бири буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидир.**

Бобур болалигидан бадиий ижодга қизиққан, ўз даври ва ўтмиш аждодлар мероси билан яхши таниш бўлган. "Бобурнома"сида эътироф этишича, улуғлар ижодини ўрганиш, Лутфий, Навоий, Жомий, Деҳлавий, Отоий, Саккокий, Саъдий сингари сўз санъаткорлари ижодига муҳаббат туфайли ўзи ҳам гўзал ғазаллар, рубоийлар, маснавийлар, туюқлар ёза бошлади.

Шоир ижодини илмий тадқиқ этган барча адабиётшуносларимиз унинг шеърлари содда ва самимий эканини таъкидлайдилар. Шу ўринда буюк Алишер Навоий ва унинг издошларининг шеърхондан маълум адабий тайёргарлик талаб этувчи мураккаб шеърий лутфи урф бўлган пайтда Бобур нега бу йўлдан бормади, деган савол туғилади. Унинг бундай усулда шеър битишга билими, қувваи ҳофизаси албатта, етган бўлур эди. Буни унинг Навоий ижодига юксак баҳо бериш баробарида айрим сакталикларни таъкидлаганида ҳам кўриш мумкин. Навоийга баҳо бермоқ, айниқса, унинг юксак шеъриятидаги камчиликни топа билмоқ учун Навоийдек салоҳият керак.

*(Давоми 4-бетда).*

Одил судлов

## АМНИСТИЯ – ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

**Жиноятга чора кўришдан унинг олдини олиш, жиноятчини жазолаш ўрнига уни тарбиялаш муҳимроқдир. Зеро, ҳаёт тасодифларга тўла. Баъзан эҳтиётсизлик қилиб ёки ўзи билмаган ҳолда жиноят содир этиш мумкин. Бундай ҳолларда айбдорларга хатосини тушуниб, ундан тўғри хулоса чиқариш имконини бериш зарур.**

Амнистия айнан эзгулик, бағрикенглик, кечиримлилик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган. Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори шундай инсонпарварлик тамойилининг амалдаги намунасидир.

Туманимизда ушбу Қарор ижросини таъминлаш мақсадида эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир

*(Давоми 2-бетда).*

Ҳисобот йиғилиши

## НУРОНИЙЛАР ДОИМО ЭЪЗОЗДА

**Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси вилоят кенгашининг 2014 йил якунлари ва 2015 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Таъкидланганидек, мамлакатимизда умуминсоний ва миллий қадриятларни, юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, хусусан, кексаларга иззат-икром кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ишлаб чиқилгани фахрийларга юксак эътибор намунаси экани, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз

*(Давоми 2-бетда).*

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Рўйхат тузишда сайлов комиссияларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яқиндан ёрдам беради. Рўйхат тузиш жараёнига сайлов комиссияси жамоатчилик вакилларини, фаолларни ҳам жалб қилади. Туман, шаҳар ҳокимликларининг ушбу соҳадаги фаолияти, бир томондан, шу ҳудуддаги актив сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг барчаси рўйхатга киритилишини таъминласа, иккинчи томондан, сайлов комиссияси ишида енгиллик туғилишига олиб келади. Тузилган рўйхатни участка сайлов комиссияси раиси ва котиби имзолайди. Бу ҳужжатнинг тўғрилиги ҳақидаги масъулият улар зиммасига юкланади ҳамда рўйхатга расмий ҳужжат мақоми берилади.

**– Фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш ва уларни бу рўйхат билан таништириш масалалари қайси қонунларда ўз аксини топган?**

– "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 21, 22 ва 23-моддаларида фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, сайловчиларнинг рўйхати ва уни тузиш тартиби, фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш ва сайловчилар рўйхатидаги ноаниқликлар хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи каби масалалар тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунида ҳам фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқлари ҳақида батафсил тўхталиниб, сайловчиларнинг рўйхатдаги ноаниқликлар тўғрисида сайлов комиссиясига арз қилиш ҳуқуқига эга эканликлари ва участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ёки хатони тузатиши ёхуд аризачига унинг аризаси асосли тарзда рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотномани бериши шартлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасига асосан, бирон-бир сабабга кўра, сайловчилар рўйхатига вақтида кирмай қолган сайловчи унинг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан участка сайлов комиссияси томонидан рўйхатга киритилиши лозимлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

**– Ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари ва хориждаги ваколатхоналарда рўйхат тузиш жараёни қандай кечади?**

– Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхона ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

**– Тасдиқланган рўйхатдан сайловчини чиқариш қай тарзда амалга оширилади?**

– Участка сайлов комиссиясининг раиси ва котиби имзолаган сайловчилар рўйхатидан сайловчини чиқариш фақат фуқароларни рўйхатга олишни амалга оширувчи органларнинг маълумотлари асосида амалга оширилади. Сайловчилар рўйхатидан фуқаро чиқарилган сана ва бунинг сабаби сайловчилар рўйхатида алоҳида қайд этилади ва участка сайлов комиссияси раисининг имзоси билан тасдиқланади.

Рўйхат сайловчиларни ўзида қайд қилувчи шунчаки ҳужжат бўлмай, у овоз беришга, сайловчилар ўз исм-шарифларини осон топиб, бюллетень олишларига қулайлик туғдиришга мос равишда тузилади (алифбо бўйича, қишлоқма-қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича, оилама-оила, кўп қаватли уйлар бўйича ва ҳоказо). Унда сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойининг манзили, агар сайловчи шу йилда ўн саккиз ёшга тўлган бўлса, унинг туғилган йилига қўшимча туғилган ойи ва куни ҳам кўрсатилади.

**– Сайлов участкаларида фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш тартиби қандай?**

– Сайловчилар рўйхатини тузиш масаласининг муҳим демократик элементларидан бири – бу фуқароларда сайловчилар рўйхати билан танишиш имкониятининг мавжудлигидир.

Қонунда сайловчиларнинг рўйхатини, у билан танишиш имкониятини таъминлаш мақсадида, овоз бериш кунидан аввал сайлов участкасига осиб қўйиш белгиланган бўлиб, умумий тартибда тузиладиган ва ҳарбий қисмларда тузиладиган сайловчилар рўйхатини тақдим этиш муддати сайловдан олдин ўн беш кун қилиб белгиланган, рўйхатни ўн беш кундан кечикиб тақдим этиш қонунбузилишига олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса, сайловга етти кун қолганида сайловчиларга танишиш учун тақдим этилиши лозим. Ҳар қандай ҳолда ҳам рўйхат сайловчиларга у билан синчиклаб танишиш имкониятини берадиган қулай, кўринарли ва яхши ёритилган жойларга осилиши керак.

Сайловчилар рўйхати билан танишиш имкониятини таъминлаш учун рўйхат билан қаерда, қандай пайтларда танишиш мумкинлиги ҳақида участка сайлов комиссияси қўшимча равишда сайловчиларни хабардор қилади.

Фуқароларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати танишиб чиқиш учун тақдим этилиши, ўз навбатида, фуқаронинг ушбу рўйхатда ўзининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган жойи ва яшаш манзили ҳақидаги маълумотлар тўғри киритилганлигини кўриш имконияти яратилишини таъминлайди.

**Тўнғич БЕК.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳуқуқий сабоқлар

# ДЕПУТАТ БУРЧИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2014 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар натижасида депутатлар таркиби бирмунча янгиланди. Хўш, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутати ким ўзи, қандай ҳуқуқларга эга ва унга қандай мажбуриятлар юкланган?

Ушбу саволларга жавоблар Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонунида аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган. Хусусан, туман кенгаши депутатининг ҳуқуқлари нималардан иборат экани юқоридаги Қонуннинг 5-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра депутат, аввало, Халқ депутатлари Кенгашининг бирорта доимий комиссиясида фаолият юритишга, сессия муҳокамасига масала таклиф этишга ҳақли. Кенгаш тасдиқлайдиган, сайлайдиган мансабдор шахсларнинг (ҳоким, ҳоким ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари) номзодлари юзасидан фикр билдириши, зарурат туғилганда исталган раҳбарга депутат сўрови билан мурожаат этиши мумкин.

Фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларда дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли орган ва мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқларига эга.

Айни пайтда қонун ўз навбатида депутат учун жиддий мажбуриятларни ҳам белгилаб қўйган. Жумладан, Халқ депутатлари Кенгаши ва ўзи аъзо бўлган доимий комиссия мажлисларида шахсан иштирок этиши шарт. Сайловчиларидан тушган мурожаатларни қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқади ва ҳал этишга ҳаракат қилади. Бир йилда камида 2 марта сайловчиларига ўзининг депутатлик фаолияти тўғрисида ахборот беради ва белгиланган кунларда фуқароларни қабул қилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларига зарур деб ҳисобланган масала юзасидан асосли тушунтириш бериш талаби билан депутат сўрови киритади.

Кўрамизки, қонун депутатга ҳуқуқ бериш билан бирга мажбурият ҳам юклайди. Энди гап депутатнинг ўз ҳуқуқларидан қандай фойдаланиши, шунингдек, мажбуриятларини қанчалик изчил бажара олишида қолган. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишида: "Депутат қайси партияга аъзо бўлмасин, биринчи навбатда сайловчилар олдида, эл-юрт олдида жавоб беради. Халқ вакиллари, аввало, курашчи бўлиши керак", дея таъкидлади. Айтмоқчиманки, бу даъват Халқ депутатлари Бўка тумани Кенгашига сайланган 30 депутатга ҳам тааллуқлидир. Туман кенгашининг биринчи ташкилий сессиясида 2015 йилга мўлжалланган иш режаси ҳам тасдиқланди. Режа Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 2014 йилда киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар инобатга олиниб тузилган. Унга кўра навбати билан сессияларда туман ҳокими ўринбосарлари, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилот раҳбарлари ва туман молия бўлими мудирининг ҳисоботлари, шунингдек, давлат солиқ инспекцияси раҳбари ва туман прокурорининг ахборотлари тингланади. Гап шундаки, ҳар бир доимий комиссия юқоридаги масалаларни Кенгаш сессиясига нечоғлик малакали тайёрлашига боғлиқ. Сабаби – турли даражадаги раҳбарлар ҳали Халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот ёки ахборот беришга одатланганларича йўқ. Халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари босқичма-босқич кенгайтириб борилмоқда. Вақти келадики, давлат органларининг барчаси Халқ депутатлари Кенгашларининг тўла назорати остида фаолият юритадиган бўлади. Бу назоратнинг самараси эса биз, депутатларнинг қай даражада курашчан бўлишимизга боғлиқ.

**Усмон ЖЎРАЕВ,**
**Халқ депутатлари Бўка тумани Кенгаши депутати, доимий комиссия раиси.**

Партиялар ҳаёти

**"Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят Кенгаши ижроия қўмитасининг навбатдаги конференциясида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Миллий тикланиш" фракцияси аъзолари, вилоят, туман, шаҳар кенгаши депутатлари, бошланғич партия ташкилотларидан сайланган делегатлар ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.**

# СИЁСИЙ ЖАРАЁН ТАДОРИГИ

Конференцияда вилоят партия ташкилоти амалга оширган ишлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлардаги иштирок якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик масалалари кўрилди.

– "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" ҳаётга изчил татбиқ этилиши ва шу асосда конституциявий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, – дейди "Миллий тикланиш" партияси вилоят кенгаши раиси М. Назаров, – демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вазифаси партияга янада кўпроқ масъулият юклайди.

Конференция сўнгида партия амалга ошириши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**

# АЪЗОЛИК БИЛЕТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**ЎзХДП вилоят кенгаши "Истиқбол" ёшлар қаноти Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида республика Президентининг "Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир" мавзуидаги маърузасига бағишлаб, ёшлар, депутатлар, партия фаоллари иштирокида давра суҳбати ташкил этди.**

– Мақсадимиз ёшларнинг демократик ислоҳотлардаги фаоллигини оширишдир, – дейди партия вилоят кенгаши "Истиқбол" ёшлар қаноти етакчиси Илмижаҳон Тлубергенова. – Зеро, юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, чуқур билимли, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни вояга етказишга оид ишлар самарасини ошириш, ёшларнинг демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнларида кенг иштирокини таъминлаш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Тадбир сўнгида партия дастурий ғояларини қўллаб-қувватлаб, партияга аъзо бўлишни истаган бир гуруҳ ёшларга аъзолик билетлари топширилди.

**Наргис ҲАСАНОВА.**

Одил судлов

# АМНИСТИЯ – ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

этган шахсларга нисбатан амнистия акти қўлланилди. Жумладан, Истиқлол қишлоғи, "Ҳақиқат" маҳалласида яшовчи Равшан Долимов укасининг "Матиз" машинасида бир пиёдани уриб юборган. Суд тиббий экспертизаси хулосасига кўра, йўловчига оғир тан жароҳати етказилгани аниқланди. Жиноий ишлар бўйича Ўрта Чирчиқ туман судида шу иш кўриб чиқилди. Туман прокурори киритган илтимосномада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги Қарорини татбиқ этиб, Р. Долимовнинг жиноят ишини тугатиш сўралган эди. Фуқаро Р. Долимов ҳам ўзига нисбатан амнистия қўлланилиб, жиноят иши тугатилишини сўраб, судга ариза тақдим этди. Суд тўпланган ҳужжатларни муҳокама этиб, томонлар фикрини тинглаб, Р. Долимов содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта эмаслигини инобатга олди ва амнистия тўғрисидаги Қарорнинг 2-бандини татбиқ этиб, жазодан озод қилиш ҳамда 5-бандига асосан жиноят ишини тугатишни лозим топди.

Шунингдек, туман прокурори фуқаролар Аким Жумадилов ва "Sarvinoz tulporlari" МЧЖ раҳбари Дилноза Қаюмова содир этган жиноят ишлари юзасидан ҳам Олий Мажлис Сенатининг юқоридаги Қарорини татбиқ этиб, жиноят ишини тугатишни сўраб судга киритган илтимосномаси, фуқароларнинг бу ҳақдаги ёзма аризалари ҳамда содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унча оғир бўлмагани инобатга олиниб, уларга нисбатан ҳам амнистия акти қўлланилди.

**Дилмурод ҚОСИМОВ,**
**Ўрта Чирчиқ туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳисобот йиғилиши



# НУРОНИЙЛАР ДОИМО ЭЪЗОЗДА

кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар мамнуният билан тилга олинди.

Вилоятимизда бугун 284 мингдан зиёд пенсионерлар бўлиб, уларнинг 127 нафари юз ёшдан ошган нуронийлар, 400 нафарга яқини Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, беш минг нафардан зиёди меҳнат фронти фахрийларидир.

Давлатимиз раҳбарининг "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда ёлғиз ҳамда ўзгалар кўмагига муҳтож кексалар амбулатория, стационар ва уй шароитида, шунингдек, касаба уюшмалари федерацияси тизимидаги сиҳатгоҳларда соғломлаштирилди, 87 нафар ёлғиз қариянинг уй-жойи таъмирлаб берилди.

Ҳисобот йиғилишида кенгаш аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритилди.

Кенгайтирилган йиғилишда жамғарма вилоят кенгаши Кексаларни эъзозлаш йилида амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси муҳокама этилиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭЪЛОН

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган «LUXURY FITNESS GROUP» МЧЖнинг устав жамғармаси 338 749 000 сўмдан 5 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Даъволар икки ой давомида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ипакчи кўчаси, 58-А уй ёки (+99890) 968-68-07 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Хусусий тадбиркорлик

# РЎЗҒОРЛАРИ БУТЛАНАЯПТИ

**Давлатимиз раҳбари: "Обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида аввалambор фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорларда арзончилик маъносини ўзида мужассам этиб келади" дея кўп бора таъкидлаганлар. Зеро, мустақиллик аталмиш буюк неъмат халқимизга ўз меҳнати, кучи, ақлу заковатига таяниб, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш имконини берди. Айниқса, иқтисодий эркинлик, молиявий барқарорликни таъминлади.**



Бугун иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва қишлоқ хўжалиги беқиёс ривожланди.

Маълумот ўрнида айтиш кераки, 2013 йилда аҳоли умумий даромадининг ярмидан кўпи тадбиркорлик субъектларига тўғри келган. Ўрта чирчиқлик тадбиркор Саидолим Тўраев ҳам яхши натижаларга эришиб, юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётганлардан. У раҳбарлик қилаётган "Тонг" хусусий корхонаси ҳунармандчилик ва касаначиликка ихтисослашган.

– Корхонамизда махсус иш кийимлари, кўрпа-тўшак, қўлқоплар тикилади, – дейди Саидолим Тўраев. – Бундан ташқари, тумандаги мактабгача таълим муассасаларига талаб асосида ётоқ тўшамаларини ҳам етказиб берамиз. Ўтган йили тайёрланган 300 миллион сўмлик маҳсулотнинг 80 миллион сўмлиги касаначилар ҳиссасига тўғри келади.

Хусусий корхона 30 га яқин кишини доимий иш билан таъминлаган, уларнинг 10 га яқини касаначилик билан шуғулланади.

– Аҳоли талабига кўра, кийим-кечаклар, келинларга сарполар тикамиз, – дейди касаначи Матлуба Азимова. – Даромадимиз рўзғор камчиликларини тўлдиришга етаяпти.

Дарвоқе, тумандаги "Қорасу" пахта тозалаш заводи, "Донг Санг", "BAGIS-BAXTIYOR-BIO" масъулияти чекланган жамиятлари, бошқа қатор корхона ва ташкилотлар янги иш ўринлари билан туман аҳолиси бандлигини таъминламоқда.

**Ирода НОРБОЕВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Тараддуд

**Вилоятимизнинг бошқа ҳудудларидаги каби Қуйи Чирчиқ туманида ҳам қишлоқ хўжалиги техникаларини баҳорги дала ишларига тайёрлашнинг муҳим палласи бошланди. Хусусан, "Дўстобод Агротехсервис" МТП масъулияти чекланган жамиятида 84 механизатор, чилангар ва пайвандчи жамиятнинг мавжуд техникалари ва МТП билан шартнома тузган 170 та фермер хўжалиги техникаларини таъмирлаб, бирин-кетин тайёргарлик чизиғига қўйишмоқда. Жараённинг марказлашган ҳолда ташкил этилгани ва амалиёт ўташ учун Дўстобод, Мингчинор хизмат кўрсатиш ва сервис ҳамда агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежларидан келган 74 талаба техникаларнинг тез ва сифатли таъмирланишини таъминлаяпти.**

# «ДЎСТОБОД АГРОТЕХСЕРВИС»ДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ



– Таъмирлаш ишларини сифатли якунлаш учун барча зарур чоралар кўрилган, – дейди МТП раҳбари Нодир Холхўжаев. – Жумладан, трактор ва агрегатлар учун 40 миллион, комбайнларга 24 миллион, жами 64 миллион сўмлик эхтиёт қисмларни олдиндан жамлаб қўйганмиз.

Ҳозиргача жамиятнинг 20 та ТТЗ 811 чопиқ трактори, 14 культиватордан 10 таси, 6 тадан минерал ўғит сепиш мосламаси ва пуркагич, 24 та сеялкадан 20 таси дала ишлари учун тайёр ҳолга келтирилди. Шунингдек, фермерларнинг 69 та чигит экиш сеялкаларидан 43 таси ҳамда 780 та боронанинг 180 таси ҳам тайёргарлик чизиғига қўйилди.

– Бу йилги мавсум уюшқоқлик билан ўтмоқда, – дейди пайвандчи Самад Сулиев. – Ишчиларга қўшимча бир қопдан ун, беш литрдан ёғ ҳамда ҳар бир таъмирланган борона учун ҳомийларнинг 25 минг сўмдан мукофот пули берилаётгани ишимизни янада жадаллаштирди.

Айни пайтда таъмирлаш қизғин давом этмоқда. Хусусан, 16 та ҳайдов трактори ҳамда 9 та "Кейс" ва 2 та "Клаас Доминатор", жами 11 та комбайн жорий таъмирланаяпти. Қисқа муддат ичида ҳайдов тракторлари, 11 та "Магнум"дан 8 таси ва 5 та "Арион"дан 4 таси созланиб, синовдан ўтказилди.

**Аваз БЕКОВ.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Семинар

## КАМЧИЛИКЛАР САБАБИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг вилоят бўлимида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, мамлакатимизни 2014 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплексининг 2014 йил якунлари ҳамда агентликнинг 2015 йилда амалга оширишни режалаштирган асосий масалалари юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Агентлик ва унинг вилоят бўлими, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ва "Тошвилтранстерминал" уюшмаси ходимлари ҳамда соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирок этган йиғилишда, 2014 йилда йўловчи ва юк ташиш юзасидан ҳисоботлар тингланди. Ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, кундалик йўналиш йўриқномалари ва техник носоз автотранспортларни ишга чиқариш каби камчиликлар танқидий муҳокама қилинди.



Йиғилиш сўнгида кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**



## БОЙЛИКНИНГ ҲАМ АДОҒИ БОР

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик турли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Зеро, табиий бойликларнинг ҳам адоғи бор. Халқаро ҳамкорлик марказида ташкил этилган семинар шу масалага бағишланди.

"Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш – тадбиркорликни барқарор ривожлантириш омили" мавзуидаги семинарда корхона раҳбарлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар иштирок этди.

"Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий тамойиллари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида имтиёзларни тақдим этиш", "Давлат экологик экспертизаси – маҳсулот таннархининг камайишига кўмаклашувчи кам чиқитли ва экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш асоси", "Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш. Рухсат бериш тартиб-тамойилларидан ўтиш тартиби" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Шунингдек, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга кўмаклашиш, бу йўлда табиатга зарар етказмай, табиий бойликлардан самарали фойдаланиш хусусида сўз борди.

Семинарда саноатга кам чиқитли ва экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш масалалари билан тадбиркорлик субъектларини таништириш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган семинарда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Ирода МАҚСУДОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

## КЎҲНА ХАРОБАЛАР СЎЗЛАЙДИ

**Чирчиқ дарёси қуйи оқими соҳиллари бўйлаб жойлашган қадимий ёдгорликлар кўп ва ранг-барангки, улар ҳақидаги ҳикоялар ҳам тугамайди. Зеро, бой ўсимлик ва турфа ҳайвонот дунёсига эга, Чирчиқ дарёси бўйлаб Тошкентдан то Чинозгача чўзилган бепоён кенгликлар сувга сероб бўлиб, ўз даврида кўплаб тадқиқотчилар эътиборини жалб этиб келган.**



Ниёзбош Янгийўл туманидаги энг йирик қишлоқлардан бири бўлиб, жуда қадимий тарихга эга. Ушбу гўшада ҳаёт доимо жўшқин кечган. Ниёзбош ҳудудидаги Нишбоштепа, Шаматепа, Йўғонтепа ва қатор қадимий мозорларни 1968 йилда Бўзсув археологик отряди обдон ўрганган.

Бу ердаги энг йирик ёдгорлик Нишбоштепа ҳисобланади. Ушбу кўҳна осориатиқа улкан таянч қўрғони ва худди шундай йирик, тақа шаклидаги аҳоли тураржойларидан иборат. Археологлар дастлабки топилмалар бўлган кулолчилик буюмлари эрамизнинг биринчи асрига, бутун идишлар эса XVIII-XIX асрларга тааллуқли эканини аниқладилар.

Йўғонтепа ҳам катталиги жиҳатидан Нишбоштепадан қолишмайди. 1929 йилдаёқ А. Потапов бу улкан тепаликни ҳисобга киритган эди. Археолог-этнограф Г. В. Григорьев ушбу ёдгорликни Ўрта аср давридаги Данфеганкент шаҳрига ўхшатади. Данфеганкент аслида Буюк Ипак йўлининг Шутуркет (ҳозирги Чиноз ҳудуди)дан Тошкент (Шош, Бинкет)гача бўлган энг серқатнов ва гавжум қисмида жойлашган.

Шош ва Илоқ водийсида нафақат ўнлаб, балки юзлаб шундай мустаҳкам тураржой ва шаҳарлар бўлган. Дарвоқе, Илоқ (Оҳангарон дарёси ҳавзаси ҳудуди) бежиз Мингқаср мамлакати деб аталмаган.

Бугунги кунга келиб, ушбу буюк тепаликларда ҳаёт сўнгандек, улар гўё ўликдек. Аммо, бирорта қадимий идиш парчасини олиб, кафтингизга қўйсангиз, у, албатта, тилга киради. Зеро, бу кўҳна фоний дунёда ҳеч нарса изсиз йўқолмайди. Жумладан, узоқ Ўрта асрларда ҳозирги Ниёзбош қишлоғи ҳудудида бўлиб ўтган жангу жадаллар ҳам беҳуда кетмаган.

Қўшни қабилаларнинг доимо гуллаб-яшнаб турувчи бу қўрғонларга, турли ҳунармандчилик устахоналарига ҳужумлари ҳеч қачон тинмаган. Жиззах чўлларидан кучли, меҳнаткаш, хушсурат одамлар келиб, оилалар қуришган. Лекин, афсуски, кўчманчи қабилалар бу меҳнаткаш одамларни тинчгина яшашга қўйишмаган. Ниҳоят, кунларнинг бирида ёш баҳодир Ниёз маҳаллий аҳоли ҳимоясига отланган одамларга бошчилик қилди. Шу тариқа босқинчи қабилаларнинг талон-торож ва қон тўкишларига чек қўйилди.

Мана, орадан юзлаб йиллар ўтсада, ушбу гўзал қишлоқ ҳамон миллий қаҳрамон – Ниёз ботир номи билан аталади.

Тарихни инсонлар яратади. Мақсад – шу тарихни мерос сифатида келажак авлодга қолдириш. Ва биз буни ўгит сифатида қабул қиламиз. Ниятимиз – ўзимизни ўраб турган дунё билан тинч-тотув ва уйғунликда яшаш.

Кўҳна харобалар эса, буюк хотиралар соқчилари сифатида ўтмиш шаҳарлари ва қаҳрамонлари шон-шуҳратини мудом ёдимизга солиб туради. Бугун ҳам тўлақонли ҳаёт жўш ураётган Ниёзбош қишлоғи, аниқроғи бу ердаги қадимий шаҳарнинг кўҳна ва пойдор деворларидаги ҳар бир тош ярқираб нур сочади.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.**

## АНИҚ МАҚСАДЛАР КЎЗЛАНДИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг 2014 йил якунларига бағишланган мажлисида кенгаш аъзолари, ёшлар, ҳамкор ташкилотлар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.**

Кенгаш йиғилишда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳамда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган Дастур ижроси сарҳисоб қилинди, 2015 йилда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган устувор йўналишлар белгилаб олинди.

**Маҳлиё ИСРОИЛОВА.**

## МАҲАЛЛАДА «АХБОРОТ ОЙНАСИ»

**Европа Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг "Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар" номли лойиҳаси доирасида Қибрай тумани Зебунисо МФЙ қошида хотин-қизлар тадбиркорлиги бўйича "Ахборот ойна"си фаолият кўрсатмоқда.**

– Аёл тадбиркор бўлса оиласи фаровон ҳаёт кечиради, қолаверса, янги иш ўринлари яратилади, – дейди "Ахборот ойна" оператори Гавҳар Бекжонова. – 2014 йилги ўқув машғулотларида ҳунармандчилик ва тикувчилик йўналишида 134 аёлга назарий билимлар берилди. Улардан 3 нафари "Микрокредитбанк"нинг Қибрай ҳамда Ғазалкент бўлимидан кредит олиб, фаолият бошлади.

**Феруза ҲАСАНОВА.**

Мулоҳаза

## ОИЛА ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

**Ҳамма замонларда ҳам оилага муқаддас гўша сифатида қаралган. Инсон оилада камол топар экан, у ўзи яшаётган жамиятнинг таянчи ва суянчи бўлиб келган. Оиланинг мустаҳкамлиги эса шубҳасиз инсоний муносабатлар бардавомлигига боғлиқдир.**

Оилани мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳати – миллий ва маънавий қадриятларимизни асраб-авайлашдир. Зеро, миллий ўзлигини, қадр-қимматини йўқотмаган, шарқона одатларимиз сақланган оилада одамийлик, ўзаро ҳурмат, меҳр, садоқат ва ишонч доимо мужассам.

Оиланинг бош бўғини – ота-онадир. Шундай экан, фарзанд камолотида уларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. "Қуш уясида кўрганини қилади" дейилган доно нақл бежизга айтилмаган.

Ҳазрат Алишер Навоий асарларида оилапарварлик, бу гўшада отаю ўғил, яқин қариндошлар ўртасидаги муносабатлар, меҳнатсеварлик фазилатлари юксак маҳорат билан тараннум этилган. Биргина "Фарҳод ва Ширин" достонини олайлик. Фарҳод болалигидан ҳунарни севадиган, касб эгаллашга иштиёқманд, атрофдагиларга меҳр улашувчи комил инсон сифатида тасвирланган.

Ҳозирги кунда ҳам йигитларимиз Фарҳоддаги жасорат ва тиришқоқликни, қизларимиз эса Шириндаги ақл-идрок, тадбиркорликни ўзларида мужассам эта олсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ёшлар оиласининг ҳам мустаҳкам таянчидир.

Бўлимимизга мурожаат қилаётган ёш келин-куёвларга шундай мисоллар билан оила жамиятнинг асосий бўғини, эр ва хотин эса унинг ҳақиқий ижодкори бўлиши зарурлигини доимо уқтириб борамиз.

**Феруза МУСАЕВА, Бекобод туман ФҲДЁ бўлими мудираси.**
**Насиба ШОМИРЗАЕВА, бўлим инспектори.**

Узлуксиз таълим

**Республика Президенти таъкидлаганидек, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга, ҳаётга янгича қарайдиган навқирон ёшлар келажакка қатъий ишонч билан жамиятдан мустаҳкам ўрин олмоқда ҳамда мамлакат тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Бунинг самарасини вилоят педагогика коллежи фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Моддий-техник базаси тубдан янгиланган коллежда 800 дан ортиқ ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда.**

## НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Айни вақтда ушбу билим юртида бошланғич, мактабгача ва мусиқий таълимлар, архившунослик ва дизайн йўналишларида мутахассислар тайёрланмоқда. Ўқув жараёни янги ахборот технологиялари воситасида замонавий компьютер ва ўқув-лаборатория хоналарида олиб борилаётир. Дарсларда интерфаол усуллар, масофадан ўқитиш услубларидан кенг фойдаланилмоқда.



– Мустақиллик йилларида таълим тизими тубдан янгиланди, – дейди коллеж директори Акмал Режабоев. – Буни нафақат замонавий ўқув хоналаридаги илғор педагогик технологияларда, балки билим бериш услубининг ўзгарганида ҳам яққол кўриш мумкин. Муаллим ўқувчига ҳар куни янги фикр ва маълумотлар бериб, янги услубда машғулот олиб бориши керак.

Бугун коллежда ўқувчиларга назария ва амалиёт уйғунлигида таълим берилмоқда. Тикиш-бичиш, физика, кимё, тасвирий санъат, ораста қизлар, ёш ўқитувчилар, ҳунармандлик, бадиий ва спорт тўгараклари ёшлар ихтиёрида. Билим юрти ўқувчилари турли кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, юқори ўринларни эгаллашаяпти.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2014 йилда билим юртини 355 ўқувчи битирди. 288 битирувчи уч томонлама шартнома асосида иш билан таъминланди, муайян қисми олий ўқув юртларига ўқишга кирди, қолганларни ҳам ишга жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

2014-2015 ўқув йили учун вилоятдаги умумтаълим мактаблари битирувчиларидан ҳар бир йўналиш бўйича энг билимли ва иқтидорлилари танлаб олинди. Ҳилола Мухсимхонова Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактабида асосий фанлардан ташқари рус, инглиз тилларини ҳам яхши ўрганди. Ҳозир коллежнинг "Мусиқий таълим" йўналишида ўқимоқда.

– Мактабда фанларни чуқур ўзлаштирганим қўл келди, – дейди Л. Даминова. – Ўзим истаган коллежда ўқиётганимдан хурсандман. Бу ерда билимимни мустаҳкамлаб, малакали ўқитувчи бўлиш эзгу орзуим.

Мамлакатимизда зукко ёшларнинг ўз иқтидорини намоён этиши учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Бу ўзини ва дунёни англаган, маънан ҳамда жисмонан етук мутахассисларни тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалдаги ифодасидир.

**Ўриной ҚУРБОНОВА, вилоят педагогика коллежи ўқитувчиси.**

Олов – тилсиз ёв

## НАЗОРАТ МОСЛАМАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ

**Ёнғинга қарши кураш, айниқса, унинг олдини олишда замонавий техника воситалари, жумладан, ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан хабар берувчи назорат мосламалари муҳим аҳамиятга эга.**

Бугунги кунда электр қуввати билан ишлайдиган жиҳозлардан тўғри фойдаланилса, улар беминнат хизмат қилади, аммо салгина эҳтиётсизликка йўл қўйилса, катта зарар ва ғам-ташвиш келтиради. Афсуски, аҳоли тураржойларида юз бераётган ёнғинларнинг аксариятига электр жиҳозларидан тўғри фойдаланмаслик сабаб бўлаяпти.

"Тилсиз ёв"дан жабрланмаслик учун хавфсизлик қоидаларига риоя этиш, мутахассислар маслаҳатига амал қилиш зарур. Шунда хонадонингиз тинч, ўзингиз хотиржам бўласиз.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида юртимиз ҳамда хориж корхоналарида ишлаб чиқарилган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига талаб юқори. Уларни ўрнатиш билан ёнғиннинг олдини олиш мумкин бўлади.

**Саидкарим ЎРОЛБОЕВ, 23-ХЁХҚ кичик инспектори.**


Эълонлар

**Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятида учраётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан жорий йилнинг 17 февраль куни соат 10:00 да Зангиота туман ҳокимлиги мажлислар залида вилоят прокурори иштирокида учрашув ўтказилиши режалаштирилган.**

**Шу муносабат билан, Сизда тадбиркорлик фаолиятингизни амалга ошириш жараёнида учраётган муаммо ва фикр-мулоҳазалар бўлса мазкур учрашувда қатнашишингиз сўралади.**

***Тошкент вилояти прокуратураси.***

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФУҚАРОЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**"ИПОТЕКАБАНК"** акциядорлик тижорат Ипотека банки Бекобод филиали биносида 2015 йил 14 февраль куни соат 11.00 дан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари У. М. Мустафоев томонидан вилоят фуқаролари ва тадбиркорларнинг мурожаатлари юзасидан қабул ташкил этилади.

**"ИПОТЕКАБАНК"** акциядорлик тижорат Ипотека банки Бекобод филиали манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Саломатлик кўчаси, 1-уй, мўлжал: "Янтар" супермаркети. Маълумот учун телефонлар: (+99871) 244-55-52, 244-41-48, (+99870) 214-11-02, 214-11-03.

**Қабулга фуқаролар паспортлари билан келишлари лозим.**

"ELDORADO DESIGN" (ИНН 302610379) МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 25 августдаги 129и/ч-сонли буйруғига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг савдоларига чиқарилиб, 2015 йил 3 февралда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ Қ.Ф.Й ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,01034 га, қурилиш ости майдони 237,3 кв.м, чойхона биноси, бошланғич баҳоси – 196 078 945 сўм, сотилиш баҳоси- 241 100 000 сўм.

ООО "ROYYAN" Мирабадского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 3 192 229 680 сум до 1 992 229 680 сум.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "CHOICE TIME" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқоланлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 07.01.2014 йилда Дехканов Икром Алижонович номига берилган № 2821 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ZANGIOTA KINOVIDEO" МЧЖга тегишли бўлган (20.08.2004 й. реестр № 412) гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "SHEDEVR MEBEL" (ИНН 302692594, ОКОНХ 15271, ОКПО 24484333), зарегистрированное ИРСП хокимията Алмазарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Жомий, дом 5, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение учредителей № 2 от 02.02.2015 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

"ORZU-PLASTIK" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг устав жамғармаси 633 399 АҚШ долларидан 13 750 АҚШ долларига камайишини ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шакли "ORZU-PLASTIK" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 13.05.2014 йилда № 007867-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "EASY LOANS" (ИНН 302445314) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил апрелдаги ПК-630-сонли қарорига асосан).

Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SALOXIDDIN-NET" (ИНН 301161574) МЧЖнинг устав жамғармаси 6 200 000 сўмдан 4 740 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99895) 195-00-50.

Чиноз туманидаги 3-сонли ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Мирсоатов Хасан Мирзалатифович номига берилган № 066329 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Зангиота (собиқ Тошкент) тумани ТСРЎИ томонидан 01.06.2005 йилда № 0091 реестр рақами билан рўйхатга олинган МЧЖШ "MEHNAT" агрофирмасига тегишли бўлган устав йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Олмазор филиалига тегишли бўлган ТХ-1Ш патталари Э. Ғуломов томонидан 1159962, 1159963, 1159964, 1159965, 1159966, 1159967, 1159968, 1159969 рақамли, Д. Хайдаров томонидан 1164350 рақамли, О. Тўлқинов томонидан 1167174, 1167175 рақамли, А. Эгамбердиев томонидан 1256328, 1256329 рақамли патталар йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 24.11.2014 йилда № 009593-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ифтихор кўчаси, 26-уй, 4-хонадонда жойлашган "RELIABLE PROPERTIES" (ИНН 303097992) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (жамиятнинг 10.02.2015 йилдаги 1-сонли қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани, Ифтихор кўчаси, 26-уй, 4-хонадонда қабул қилинади. Телефон: 188-61-22.

"XALQ SO'ZI VA NARODNOE SLOVO POCHTASI" МЧЖ таркибидан янги "RESPUBLIKA MARKAZIY NASHRLARI POCHTASI" МЧЖ ажралиш йўли билан ташкил этилади. Даъво ва аризалар 1 ой давомида 233-69-79 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Аввал Мирobod тумани ТСРЎИ томонидан 04.09.2012 йилда № 005999-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "XALQ SO'ZI VA NARODNOE SLOVO POCHTASI" МЧЖнинг устав жамғармаси 119 056 000 сўмдан 40 356 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Ранее опубликованное объявление в газете "Тошкент ҳақиқати" за № 3 от 14.01.2015 года о ЛИКВИДАЦИИ ООО "METAN MOTORS GROUP" (ИНН 3002634474), зарегистрированное ИРСП хокимията Яккасарайского района за реестр № 007273-11 от 11.06.2013 г. расположенное по адресу: ул. Бобура, дом 77 сообщает о возобновлении деятельности ранее опубликованное объявление, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ (решение учредителя № 2 от 09.02.2015 г.). Телефон: 377-89-77.

Государственное унитарное предприятие "ARENA" сообщает о слиянии на с Р/О "Узбекгосцирк" (на основании приказа Р/О "Узбекгосцирк" за № 137-А от 07.10.2014 г.).

Тошкент вилояти Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан 06.04.2010 йилда № 0002569 реестр рақами билан рўйхатга олинган "G'AYRAT UMID BIZNES" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "G'AYRAT UMID BIZNES" оилавий корхонасига ўзгаришини маълум қилади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан 24.04.2013 йилда № 4337 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RIVOJ BARAKA SHIRINLIKLARI" оилавий корхонасига тегишли бўлган таъсис шартномаси, гувоҳнома, думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ангрен шаҳар ТСРЎИ томонидан 12.03.2008 йилда № 000361-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AZIZXON CHORVA MAHSULOTLARI" (ИНН 300758020) МЧЖнинг устав жамғармаси 630 700 000 сўмдан 4 780 000 сўмга камайишини маълум қилади (жамият ягона иштирокчисининг қарорига асосан). Телефон: (+99898) 303-22-62.

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун



# ИНСОН РУҲИЯТИ МУСАВВИРИ

Навоий асарларидан баҳраманд бўлиб, уни улуғ устоз деб билишига қарамай, Бобур ўз ижодида назмга мураккаб мантиқ орқали эмас, соддалик ва самимият воситасида эришишни афзал билди. Бунда у асосан Лутфий шеъриятига эргашганини кузатамиз. Бобурнинг дастлабки шеърий машқларида айнан Лутфий ижодига хос образлар, ҳатто сатрлар учраши унинг устоз қаламидан таъсирланганини тасдиқлайди. Унинг бетакрор иқтидори, изланишлари ниҳоясида фақат ўзигагина хос бўлган дилбар шеърий ифод услубига эришиш имконини берди.

Шеър – қайси жанрда бўлмасин, кайфият ва руҳий ҳолат ифодаси. Шоирлик эса шу руҳий ҳолатга, қалбда кечаётган дард ва туйғуларга муносиб ном топиш санъатидир. Бу ижодкор диди, савияси билан бевосита боғлиқ ҳодиса. Шу маънода Бобур шеърияти билан танишган ҳар бир ўқувчи ижодкорнинг интеллектуал олами беҳисоя бойлигига, у шахс сифатида дилбар инсон бўлганига тан беради.

Бобур рубоийлари қаҳрамони олами инсон қалбининг турфа ҳолатларини ўзида мужассамлаштиргани билан аҳамиятлидир. Биз Бобур шеърларини мутолаа қилиш жараёнида гоҳ ошиқ, гоҳ Ватандан айриликда бўлган мусофир, гоҳ шоҳ, гоҳида донишманд ижодкор ва дилкаш инсоннинг руҳий оламига саёҳат қиламиз. Оҳанрабодек дилбар сатрлар, ўйноқи фикрларни англар эканмиз, кўнглимизда меҳр-шафқат, қалбда киши маънавиятини бойитувчи ҳақиқий шеър завқи жўш уради:

*То олгали кўнглумни*
*Ул юз била ул гису,*
*Кундуз манга не ором,*
*Кеча манга не уйқу.*
*Ҳар ёнғаки азм этсам*
*Ёнимда борур меҳнат.*
*Ҳар сорига юзлансам*
*Ўтрумға келур қайғу.*
*Юз жавру ситам кўрган,*
*Минг меҳнату ғам кўрган,*
*Осойише кам кўрган*
Мендек яна бир борму....

"Бобурнома", "Аруз рисоласи", "Мураббайн", "Хатти Бобурий", "Ҳарб иши", "Мусиқий илми" каби асарлари орқали жаҳон маданиятини бойитган халқимизнинг буюк фарзанди – Бобур ижодини ўтган асрнинг 40-йилларида ўрганишга киришилган бўлсада, унга бир ёқлама муносабат намоён эди. Истиқлол йилларидагина Бобур ижоди ҳақиқий баҳосини олди. Олимларимиз унинг "Бобурнома"си орқали умри давомида ўзининг икки девонини тартиб қилганини аниқладилар. Бу девонлар қўлёзмалари Франциянинг Париж, Ҳиндистоннинг Рампур, Ҳайдаробод шаҳарларида сақланади. Теҳрондаги "Гулистон" кутубхонасида ҳам Бобур асарлари сақланиши ҳақида маълумотлар бор.

Юртимизда "Бобурнома" бир неча марта нашр қилиниб, халқимизга тортиқ этилган. Яқинда мамлакатимиз олимлари, зиёлилари иштирокида "Бобур" энциклопедияси тайёрланиб, нашр қилинди.

2002 йилда чоп этилган "Бобурнома" асарига Ҳиндистоннинг Бхопал кутубхонасида сақланаётган, 1529 йил 11 январда Ҳумоюнга ёзилган "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг махфий васияти", 1972 йилда устоз Бегали Қосимов Қозон дорилфунуни кутубхонасидан топган, 1527 йил 4 январда кичик ўғли Комрон Мирзога ёзган хатларининг киритилиши муҳим адабий ҳодиса бўлди. Зеро, бу мактублар Бобур шахсини ўрганишда, унинг ҳаётий тамойилларини англашда асқотади.

Хусусан, фарзанди Комрон Мирзога катта ёшдаги инсонлар насиҳатига қулоқ тутишни, тўғри қарор чиқармоқ учун улар маслаҳатларидан чиқмасликни тайинлагани, Президентимизнинг 2015 йилни "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилаётганларида билдирган фикрларига ҳамоҳанглиги кишини янада қувонтиради.

Шу кунларда мамлакатимизда икки буюк бобокалонимиз – Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд саналарига бағишлаб турли тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳридаги қатор мактаблар ҳамда Ангрен шаҳар ҳокимлигида шундай тадбирлар ўтказди. Олим, педагог, зиёли, журналист ва турфа соҳа вакиллари иштирок этган учрашувларда буюк шоирлар ижодидан баҳрамандлик бизга қанчалар юксак маънавий куч, озиқ бераётгани қайд этилди.

**Амиркул КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шеърият

# МЕҲР БИЛАН ЯШАМОҚ – БАХТ

***Нурали АБДУРАСУЛОВ 1955 йилда Оҳангарон туманининг Қорабалиқ қишлоғида туғилган. 1980 йилда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тугатган. "Оҳангарон ҳаёти – Жизнь Ахангарана" туман газетаси бош муҳаррири. Шеър ва ҳикоялари маҳаллий ва марказий нашрларда, турли тўпламларда чоп этилган.***

### АЁЛ ҚАЛБИДА ЭРИГАЙ ҚОР ҲАМ

*Қирчиллама аёз, тўнғиган замин,*
*Оёқлар остида инграниди қиш.*
*Тераклинг шохлари титранар муздан,*
*Қаҳратонга шараф, январга олқиш.*

*Музлаган ҳарорат, қотиб қолган ой,*
*Қарсиллаб ётибди дарё бўйлари,*
*Ситоралар кўкда шамдайин қотгай,*
*Тоғлар аро изғир аёз куйлари.*

*Аммо... музламасин, бўзламасин дил,*
*Январнинг қаҳратон кунлари аро,*
*Энг олий табиат аслида кўнгил,*
*Энг мунис лаҳзалар шу тунлар аро.*

*Фақат бир гўшада ҳарорат ўйнар,*
*Чинни пиёлада жилоланар май,*
*Дилбар нигоҳида ҳаёт оташи,*
*Майли, аёз қаҳрин майдай сипқорай.*

*Ана шу оташдан эригай қиш ҳам,*
*Январь қалб тафтига бера олмас тоб,*
*Ҳаммаси – минг йиллик аёзлар бекор,*
*Аёлнинг қалбида яшаса офтоб.*

*Қирчиллама аёз, тўнғиган замин,*
*Оёқлар остида инграниди қиш...*

### НА ҲОЖАТ?

*Умр ўтиб борар дунёи дунда,*
*Гуноҳу савоби ўтган ҳар кунда,*
*Магарким, ҳаётнинг мазмуни шунда*
*Умринг сароб эрса ҳисоб на ҳожат?!*
*Бори пешонангда китоб на ҳожат?!*

*Армон юракларга аталган ўқми?*
*Чархи кажрафторда беармон йўқми?*
*Ўтган умр ўтди, кўнгиллар тўқми?*
*Саволинг бўлмаса жавоб на ҳожат?*
*Беимон одамга савоб на ҳожат?*

*Дунёга келдингми, кетмоқ ҳам бордир,*
*Біровнинг бахтига бирови зордир,*
*Сенинг изингда-да, кимдир абгордир,*
*Осмонинг бўлмаса офтоб на ҳожат?*
*Ёронинг кулмаса, гулоб на ҳожат?!*

*Кимдир бу дунёда манзилга етган,*
*Ким ундан ҳам ўзиб, олисроқ кетган?*
*Борар манзилида уни не кутган?*
*Манзил бетайинми, шитоб на ҳожат?*
*Гар мақсад йўқ экан, хитоб на ҳожат?!*

### ОДАМИЙЛИК БУ ДУНЁДА ТОЖУ ТАХТДИР...

*Бу дунёнинг сирлари кўп биз билмаган,*
*Омонатли сабр коса лимиллаган,*
*Қирларини бир-бир ошар қимирлаган,*
*Яшайверар меҳр билан асл одам.*

*Умр асли лаҳзалардан ёнган шамдир,*
*Беш кунингдан тўрт ярими ташвиш, ғамдир,*
*Бир кун шодсан, эртасига кўзинг намдир,*
*Яшайверар меҳр билан асл одам.*

*Ёмонликни отда қувиб етолмайсан,*
*Бошинг олиб тоғу тошга кетолмайсан,*
*Бу дунёдан этак қоқиб ўтолмайсан,*
*Яшайверар меҳр билан асл одам.*

*Бу дунёда топмаган кўп асл дўстни,*
*Яшаяпмиз бутлаймиз деб каму кўстни,*
*Мураккабдир тушунмоқлик баланд-пастни,*
*Яшайверар меҳр билан асл одам.*

*Умр бўйи синайверар бизни тақдир,*
*Одамийлик бу дунёда тожу тахтдир,*
*Меҳр билан яшай олмоқ олий бахтдир,*
*Яшайверар меҳр билан асл одам.*

*Тўйларингда меҳмонларни кутавергин,*
*Етмиш, саксон, тўқсонлардан ўтавергин,*
*Юзга томон шахдам-дадил кетавергин,*
*Яшайверар меҳр билан асл одам.*

**Нурали АБДУРАСУЛОВ.**

Кўргазма

**Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фотомактаб-студияси битирувчиларининг диплом ишлари кўргазмаси очилди. Унда 14 иштирокчининг 180 га яқин фотосуратлари намойишга қўйилган.**

# ФОТОСУРАТЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Фотомактаб ўқувчилари портрет, манзара, натюрморт, репортаж каби жанрларда ўз кучларини синаб кўришган. Битирувчиларнинг кўпчилиги учун бу кўргазма ўзига хос илк ижодий намойишдир. Услуб ва мавзу жиҳатидан хилма-хиллиги билан ажралиб турувчи, дунёни кўриш, англаш ва ижодий тасаввур акс этган бу фотосуратларда юртимиз табиати манзаралари, турмуш тарзимизнинг айрим қирралари, беғубор болалик, йил фасллари, тарихий ёдгорликлар акс эттирилган.

Шунингдек, кўргазмага қўйилган бошқа ижод намуналари билан бир қаторда битирувчилардан Исомиддин Азизов "Ҳаётий йўл. Сижжак", "Жаннатмакон бурчак. Чорвоқ", "Жонли шаршара. Чорвоқ". "Баландлик. Чимён", "Хазонрезлик. Чорвоқ", Роман Проскурин "Билдирсой", "Чорвоқ", Лилия Тарара "Ҳожикент", "Чорвоқ", Элдор Султонов "Кузги Чорвоқ" каби фотосуратларини намойиш учун тақдим этганлар.

Кўргазманинг очилишида ёшлар, турли касб эгалари, фоторассомлар, санъатшунослар, педагоглар қатнашди. Битирувчилар сертификатлар билан тақдирландилар. Экспонатлар ёнида давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Тадбир

# БУЮК СИЙМОЛАРГА ЭҲТИРОМ

Чирчиқ шаҳрида республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбек Миллий академик драма театри, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида таваллудининг 547 йиллиги муносабати билан "Алишер Навоий ижоди – мангу барҳаёт" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Маърифий кечада сўзга чиққанлар буюк алломанинг бой ижодий меросини асраб-авайлаш, уни авлоддан-авлодга етказиш лозимлигини таъкидладилар.

Тадбирда шоирга бағишланган шеърлар ўқилди, Навоий ғазалига басталанган қўшиқлар ижро этилди.

**Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими.**

* * *

Юқори Чирчиқ туманидаги 9-мактабда "Улуғ сиймоларга эҳтиром" мавзуида адабий тадбир ўтказилди.

Буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди, улар қолдирган бой адабий мерос ҳақида сўз борган тадбир Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси, "Камолот" ЁИҲ туман кенгашлари саъй-ҳаракати билан уюштирилиб, унда ижодкорлар, маҳалла фаоллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда ўқувчилар Навоий ва Бобур сиймоларини саҳна кўринишлари орқали маромига етказиб ижро этишди. Шунингдек, улар қаламига мансуб ғазаллар ўқилиб, куй-қўшиқлар янгради.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий ўзининг "Хамса", "Хазоин ул-маоний", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Мажолис ул-нафоис" каби илмий-танқидий асарлари билан ўзбек тилининг куч-қудрати, бойлиги ва нафислигини намоён қилди.

Янгийўл туманидаги 64-мактабда Алишер Навоийнинг таваллуд куни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. 9-синф ўқувчилари Навоий ҳаётига оид саҳна кўринишларини намойиш этишди.

– Ҳар йили мактабимизда А. Навоийнинг таваллуд айёмига бағишлаб, турли тадбирлар ўтказамиз, – дейди мактаб директори Гулнора Аҳмадалиева. – Бу йил ҳам ўқувчиларимиз ўзлари сценарий тузиб, байрам тадбири уюштиришди.





Тумандаги 22-умумтаълим мактабида ҳам шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб тадбир ўтказилди. Мактаб ўқувчилари Бобур ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ саҳна кўринишларини намойиш қилишди.

– Менга шундай буюк шахс сиймосида чиқиш насиб этди, – дейди 9-синф ўқувчиси Низомиддин Мамажонов. – Бу осон бўлмасада, Бобурдаги қудрат, унинг жасоратларини ифодалашга ҳаракат қилдим.

Бу каби тадбирлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Спорт

# НАВБАТ – РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

**Паркент туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси "Умид ниҳоллари – 2015" спорт мусобақаларининг республика босқичига йўлланма олди.**

Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги мусобақанинг волейбол тури бўйича ҳудудий босқичда ғолиб бўлган мактаб жамоаси Тўйтепа шаҳрида ўтказилган вилоят босқичида ҳам биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

* * *

Тумандаги 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида туман хотин-қизлар қўмитаси, Бадиий гимнастика федерацияси вилоят бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида "Спорт маликалари" шиори остида ташкил этилган мусобақада 2002-2006 йилларда туғилган бадиий гимнастикачи қизлар иштирок этди.

Умумжамоа ва якка тартибда ўтказилган беллашувларда спорт мактабининг Шоҳсанам Сирожиддинова мураббийлигидаги жамоаси лента, ҳалқа ва арқончада юксак маҳорат намойиш этиб, биринчи ўринни эгаллади ва вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди. Севинч Рустамова, Шаҳноза Хурсаналиева, Холида Тожиддинова ҳамда Мунира Холматова якка тартибдаги мусобақаларда энг юқори натижаларга эришдилар.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

XXI аср ва дунё

### КУКУН БУЛУТИ АЭРОПОРТГА ЁПИРИЛМОҚДА

**Гватемаладаги Фуэго вулқони отила бошлагани муносабати билан ҳукумат мамлакат пойтахтидаги La Aurora аэропортини ёпиб қўйди, дея хабар тарқатди фалокатларни уйғунлаштириш хизмати.**

Ушбу хизмат вакили Давид де Леоннинг таъкидлашига қараганда, вулқон туфайли катта миқдорда ҳавога отилаётган кукун аэропортнинг учиш-қўниш йўлакларига ёғилмоқда. РИА Новости агентлигининг ёзишича, ҳаводаги кукун булути жануби ғарб йўналишида ҳаракатланиб, вулқон марказидан 50 километргача узоқлашди.

### СМАРТФОН ВА ПЛАНШЕТЛАР КАСОФАТИ

**Олимларнинг таъкидлашига қараганда, болаларнинг смартфон ва планшетлар билан кечаю кундуз машғул бўлишлари ёмон оқибатларга олиб келади.**

Маълумки, одам бир кеча-кундузда камида саккиз соат, ўсмирлар эса ундан ҳам кўп ухлаб, дам олиши керак. Бироқ, бугунги болалар тунлари мириқиб ухлаш ўрнига смартфон ва планшетларда турли ўйинлар ўйнаш, интернет материалларини ўрганиш билан оворалар.

Статистика маълумотларига қараганда, Британиядаги 8 дан 15 ёшгача бўлган болалар шахсий телефон ёки планшетларига эга бўлиб, уларнинг учдан икки қисми тунда ётган жойларида ҳам фойдаланадилар. Бинобарин, уйқудан қолишади, тиниқиб дам олишмайди. Худди вампирлардек кўзлари қизариб юради. Шуниси хатарлики, бугунги кунга келиб, кўп болалар ўзаро "ким кам ухлайди" ўйинини ўйнайдиган бўлишибди.

### ГРИППГА ҚАРШИ ЭМЛАШ БЕФОЙДАМИ?

**Британиялик олим ва экспертлар гриппга қарши эмлаш мутлақо самарасиз, у касаллик вирусидан ҳимоя қилолмайди, деган хулосага келдилар.**

Олимларнинг фикрича, грипп касаллиги мунтазам ўзгариб туради. Шу боис унга қарши тайёрланган вакцина гриппга чалинган беморни бир турдаги микроорганизмдан ҳимоя қилса, бошқасидан сақлай олмайди. Экспертларнинг айтишича, гриппга қарши вакцина фақат уч фоиз ҳолларда ёрдам беради. Иммун тизими сусайиб кетган кишилар, айниқса, кексалар ва болалар хавф остида қолаверадилар. Иммунитетни мустаҳкамлаш учун эса витаминли маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш, умуман тўғри овқатланиш, спорт билан мунтазам шуғулланиш ва танани чиниқтириб бориш лозим. Дастурхонда доимо сабзавот, мева, аскорбин кислотасига бой тузланган карам, шунингдек, лимон, мандарин ва апельсин бўлиши керак.

Маълумотларга қараганда, кейинги икки ҳафта ичида Британияда 65 ва ундан катта ёшдаги 25 минг 300 киши ҳалок бўлгани қайд этилди. Бу аввалги йилдагидан 40 фоиз кўп. Ваҳоланки, мамлакат соғлиқни сақлаш хизмати ҳар йили гриппга қарши эмлаш дастури учун 100 миллион фунт стерлингга яқин маблағ ажратади.

Бу – қизиқ



**Ҳайкалтарош зерикканда**

### Blue Marlin – дунёдаги энг катта кема

Биламизки, денгизда ҳаракатланувчи кемаларнинг имкониятлари қуруқликдаги тарнспортларникига қараганда чекланган. Blue Marlin нефть платформалари, таъмирталаб сувости кемалари, улкан кранлар, ҳатто катта ўлчамдаги кемаларни олиб юриш учун мўлжалланган.




**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2023. Адади 15556. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.20.